

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 330.3(575.12)

БЕКТЎРАЕВ БЕХЗОД ИХТИЁР ЎҒЛИ
МИНТАҚАНИНГ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТИ ВА УНИНГ
ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ.

(Андижон вилояти мисолида)

5A230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.д., проф. Б.Салимов

Тошкент – 2018

Диссертация ишида куйилаги асосий масалалар хал этилади: Инвестиция ва инвестицион мухит жозибадорлиги тушунларига назарий жихатдан тахлиллар амалга оширилади; минтакада инвестицион мухит жозибадорлигини тавсифовчи омилларни ҳамда Андижон вилоятининг иқтисодий ривожланиш ҳолати тахлили асосида вилоятнинг инвестицион мухит ва унинг жозибадорлиги ўрганилади; минтака инвестицион жозибадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилади, бу эса ўз навбатида вилоятга инвестициялар оқимини кўпайтиришга хизмат қилади. Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши Республикамиз ва Андижон вилоятининг инвестицион мухит жозибадорлигини оширишга кўмаклашади.

The following major issues are solved in the dissertation: Theoretical analysis of the concept of attractiveness of investment and investment environment; studying the factors characterizing the attractiveness of the investment environment in the region and the study environment and the attractiveness of the region on the basis of the analysis of the economic development of the Andijan region; ways to improve the investment attractiveness of the region, which in its turn will contribute to the growth of investment flows to the region. The practical application of scientific and practical recommendations in the research process will help to increase the attractiveness of the our Republic and the Andijan Region's investment climate.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида

дастлабки ҳимоядан ўтган. 09-сонли баённома

«15» май 2018 й


Илмий раҳбар: Б.Салимов



имзо

сана

Магистр: Бектўраев.Б




имзо

сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси

муздари, доц. И.Ҳотамов



“19” 05 2018 йил

Ҳимоя 2018 йил “19” 06 соат 19 да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

М У Н Д А Р И Ж А

	КИРИШ.....	4
I боб.	Инвестиция ва инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг назарий асослари.....	12
1.1.	Инвестиция ва инвестицион муҳит жозибадорлиги тушунчаларининг моҳияти ва мазмуни.....	12
1.2.	Минтақада инвестицион муҳит жозибадорлигини тавсифловчи омиллар.....	21
1.3.	Инвестицион жозибадорликни оширишнинг ҳукукий-меъёрий асослари.....	29
	Биринчи боб бўйича хулоса.....	37
II боб.	Андижон вилоятида инвестицион муҳит жозибадорлиги ва унинг ҳолати таҳлили.....	39
2.1.	Андижон вилоятининг иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	39
2.2.	Вилоятда инвестициялардан фойдаланиш ҳолати таҳлили...	49
2.3.	Вилоятда инвестицион муҳит жозибадорлиги ҳолати таҳлили.....	57
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	68
III боб.	Андижон вилоятида инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш йўллари.....	69
3.1.	Инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш орқали хорижий инвестицияларни жалб этишнинг замонавий йўллари ишлаб чиқиш.....	69
3.2.	Андижон вилоятида инвестицияларни жойлаштиришда тармоқ ва ҳудудлар иқтисодий имкониятларини баҳолаш.....	76
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	83
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	84
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	89

Кириш

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистонда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда инвестицияларни йўналтириш асосан хорижий инвестицияларни йўналтириш учун қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. Хорижий инвестициялар жалб қилишда иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи асосий рол ўйнайди. Бундай имкониятларга табиий шарт-шароитлар, шу жумладан фойдали казилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими ҳамда товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг белгиланганлиги ва бизнес юритиш учун яратилган имкониятларни киритиш мумкин. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён қулай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугуги кунда жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Шуларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари